БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 238 (18.116). • 15 октябрь 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

Тошкент областининг пахтакорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақани кенг авж олдириб, комплекс агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказдилар, шу йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитида муносиб маҳорат, қатъият ва матонат намуналарини кўрсатдилар, пахтадан барвақт ва мўл ҳосил етиштирдилар, пахта йиғим-теримини намунали ўтказиб, пахта тайёрлаш планини 14 октябрь куни республикада биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 425 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 31,4 центнер пахта йиғиштириб олинди, унинг 95 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. 350 минг тонна ёки тайёрланган пахтанинг 83 проценти механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бир пахта териш машинасининг ўртача иш унуми 123 тоннадан ошиб кетди.

Областнинг ҳамма районлари пахтакорларининг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

Бўка, Ғалаба, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районларининг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар. Улар давлатга пахта сотиш йиллик планларини республикада олдингилар қаторида бажариб, ҳозир етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш, юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш олиб бормоқдалар. Оққўрғон, Бекобод, Чиноз ва Янгиўл районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш арафасида турибдилар.

Коммунистик районидаги «Политотдел», Янгиўл районидаги «Коммунизм», Бекобод районидаги Ленин номли, Ғалаба районидаги «Победа» ва «Ленинград», Бўка районидаги «Коммунизм» ва «Октябрь 40 йиллиги», Оққўрғон районидаги «Ленинизм» ва Охунбобоев номли, Пискент районидаги «Гулистон», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозлар ва бошқа хўжаликларнинг коллективлари пахта тайёрлаш йиллик планларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаб, ҳар гектар ердан 40—47 центнердан ҳосил олдилар.

Ўнлаб бригадалар ҳозиргача ҳар гектар ердан 50—56 центнердан хирмон кўтардилар.

Областнинг барча шаҳарлари ва районларидаги саноат корхоналари, ташкилотлар ва ўқув юртларининг коллективлари областнинг давлатга пахта сотиш йиллик планини муваффақиятли бажаришига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар пахтакорларга ёрдам бериш учун бориб, ҳосил йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Область меҳнаткашлари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига амалий ишлар билан жавоб бериб, етиштирилган бутун ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари қўшимча равишда камида 75 минг тонна пахта топширишга ва республика хирмонига ярим миллион тонна Тошкент пахтасини етказиб беришга қарор қилдилар.

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Меҳнатобод районидаги Ҳамза номли совхоз чўлқуварлари биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Ватан хирмонига 3450 тонна чўл дурдонаси тўкилди. Шуниси қувончлики, ялпи ҳосилнинг 3230 тоннаси агрегатлар билан териб олинди. **Х. Раимқулов, Х. Мирзаев, М. Маятков, Х. Абдулбақиев, Ш. Қодиров, К. Парпиев, Ф. Қосимов** сингари «зангори кема» капитанлари ўз агрегатлари бункеридан 90—120 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Муборак районидаги 32-совхознинг механик-ҳайдовчиси **Аҳтам Мамажонов** мавсум бошидан буён 285 тонна пахта терди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг **Х. Исмоилова, С. Қаророва, Г. Сатторова, А. Шаропова** каби кўпминг килограммчи теримчилари уруғлик пахта теришда юксак натижаларга эришяптилар. Кунига 180—200 килограммга етказиб пахта тераётган чеварларнинг шу кунгача терган «оқ олтин»лари 8—10 тоннадан ошиб кетди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Тошкент области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Қосимов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ Хегай, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Муслимов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Маҳмудов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Ражабов.

Замондошларимиз



Поп районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари бу йил ҳар гектар пахта майдони ҳисобига 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга сўз берганлар. Хўжаликда пахта йиғим-терими юксак суръатда бормоқда.

Суратда: Колхознинг илғор звено бошлиғи, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Қаҳҳор Қодиров.

Ж. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг икки механик-ҳайдовчиси — Машкура Эргашева билан Майсара Тўхтаева мавсумда 200 тоннадан пахта териш шартини ўртага қўйиб мусобақа боғлаган эдилар. Мухбиримиз мусобақадош дугоналардан ўз мажбуриятларини қандай бажарётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Машкура ЭРГАШЕВА:

— Мавсумда 200 тонна пахта териш мажбуриятини олганман. Шу кунгача бункерлардан 120 тоннага яқин пахта тўкдим. Барг кечроқ тўкилиши туфайли «зангори кема»ни пайкалларга киритиш ҳам бир оз кечикди. Энди машиналарни тўла қувват билан ишлатиш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ҳозир кунига 6—7 тоннадан пахта теряпман. Бункерлардан тўкилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилиняпти.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини ўқиб чиқдим. **«Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звеолар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин!»** — деган иборалар қалбимдан чуқур жой олди. Ҳосил тақдири учун биз механизаторлар жавобгармиз. Шундай экан, ҳозирги ғаниматкунларда машина теримини кеча-кундуз қизғин давом эттиришимиз, суръатни сира сусайтирмаслигимиз керак. Мен ғайрат отига қамчи босиб, 200 тонналик маррани сўзсиз эгаллайман. Теримда мусобақадошим Майсара Тўхтаева билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб ишлаймиз, бир-биримизнинг фаолиятимизни кузатиб боряпмиз. Пахта сортининг юқори бўлишига алоҳида эътибор беряпмиз.

Майсара ТЎХТАЕВА:

— Мард майдонда синаладиган кунлар келди. Ҳар биримиз ваъдамизнинг устидан чиқмоғимиз керак. Мен дугонам Машкура Эргашева билан мусобақадошман. Ҳар иккимиз 200 тоннадан пахта теришга сўз берганмиз. Нинг мавсум бошидан буён терган пахтам 110 тоннага етди. Астойдил ҳаракат қилиб, дугонамдан ўзиб кетаман, 200 тонна пахта териш ҳақидаги мажбуриятимни, албатта, адо этаман.

Биз механизаторлар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги **«Халқ сизларнинг имкониятларингизни биларди ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммангизга кўпгина мажбуриятлар юклайди, бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди»** деган сўзлар бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб юборди.

Совхозимизнинг барча механизаторлари ўзаро маслаҳатлашиб, тунда шабнам тушгунча ҳам теримни давом эттиришга қарор қилдик. Мен кунига 6—7 тоннадан пахта териб, юқори сорт билан топширяпман. Бу суръатни мавсум охиригача сира бўшаштирмайман. Бошқа механизаторларимиз ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Шундай экан, бир чигит пахта нобуд бўлмайди.

БАЙРОҚДА ОРДЕН

Ўрта Осиё темир йўлининг кўпминг кишилик коллективи ўтган беш йилликда баланд руҳ билан ижодий меҳнат қилди. Магистрал меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ажойиб самарани берди. Юк ташиш ҳажми анча кўпайди, иш унуми ошди, пландаги кўпгина марраларни ўзиб кетилди. Ўрта Осиё темир йўли халқ хўжалик юкларини ва пассажирларни ташиш, юксак техник иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун Октябрь Революцияси орденига сазовор бўлди. 14 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш шу юксак мукофот топширилишига бағишланди.

Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини йиғилишнинг фахрий президиумига баланд руҳ билан сайлади.

Йиғилишда СССР темирйўллар министри И. Г. Павловский нутқ сўзлади. Партия режаларини муваффақият билан амалга оширяётган совет халқининг ютуқларига темирйўлчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар, деди у. Юк ташиш шу йил тўққиз ойининг ўзидагина бултургидан шу даврга нисбатан 33 миллион тонна кўпайди, юк жўнатиш, юк оборот, реализация этилувчи маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган планлар ошириб бажарилди. СССР транспорт тармоғининг илғор бўлимларидан бири — Ўрта Осиё темир йўли меҳнаткашлари эришган ютуқлари билан фахрланишга ҳақлидирлар. Янги беш йилликда Ўрта Осиёнинг пўлат магистралларида юк оборот ва пассажир оборот дадил кўпайиб боради, вагонлардан юк тушириш ва уларни тайёрлаш кўпаймоқда, поезднинг ўртача вазни ва вагонга тушадиган статик нагрузка каби муҳим кўрсаткичлар яхшиланди.

Ўн биринчи беш йиллик мамлакат темир йўлларини комплекс программа асосида ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида комплекс программанинг зарурати тўғрисида гапирганди. Шунингдек конкрет вазифалар белгилаб олиндики, уларни ҳал этиш танг жойларни йўқотишга имкон беради, бутун тармоқни янги марраларга олиб чиқади. Капитал маблағлар ҳажми, йўлларни электрлаш суръатлари ғоятда ошади, ўнлаб катта-катта узеллар, ремонт заводлари реконструкция қилинмоқда, темирйўлчилар учун уй-жой ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш ғоят кўпаймоқда. Ўрта Осиё магистралида ҳам катта-катта ўзгаришлар рўй беради. Бу ерда иккинчи йўл қурилиши авж олдириб юборилади, янги-янги корхоналар ва вокзаллар қад кўтаради, автоблокировка ва диспетчерлик марказланишини жорий этиш тезлашади.

Нотиқ Ўрта Осиё темирйўлчиларига хос хислатларни айтиб ўтди — улар илғор тажрибаларни ижодий, ишчанлик билан жорий этишга ўрганиб қолганлар, улар бу тажрибаларни бойитишга кўпгина ҳисса қўшмоқдалар. Белоруссия темир йўли меҳнаткашларининг ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланиб, юк ва пассажир ташишни маршрутлаш юзасидан иттифоқ бўйича эришилган ўртача даражадан анчагина ошиб кетишга муваффақ бўлдилар. Жанубий Ураллик ҳамкасблардан вагонлардан яхшироқ фойдаланиш ва юкларни яхшироқ сақлаш ишлари ўрганилди. Ҳозир Львов йўлининг юк жўнатувчилари ва юк олувчилари Ўртасида ҳамкорлик қилиш юзасидан КПСС Марказий Комитети маъқуллаган тажриба ўзлаштирилянти. Бу орада бутун тармоқ мева ва сабзавот ортиш илғор технологиясини қабул қилмоқда. Бу технология вагонлардан фойдаланишни қарийб 40 процент оширишга имкон беради. Ўрта Осиё йўлида тепловозларни ишлатиш ва ремонт қилиш борасида ярим аср мобайнида орттирилган тажрибалар мамлакатнинг бутун темирйўлчиларига кўмак бермоқда.

Юксак мукофот иш мумкин қадар кўпроқ самарали бўлиши учун ҳамма ишлар қилинган — қилинмаганлигини, масъулият ва интизом ҳамма ерда ҳам ҳозирги талаблар даражасидами-йўқми таққослаб кўришни тақозо этади. Ўрта Осиё магистралининг меҳнаткашлари анчагина жиддий вазифаларни ҳал этишлари, жумладан, вагон юкини бўшатиш ва вагон оборотини тезлатишлари, бўш вагонларни тезроқ топширишлари, поездларнинг қатновн графикларини аниқ бажаришлари, уларнинг участка тезлиги ва техник тезлигини ошириш-лари, пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришлари керак. Октябрь Революцияси орденли Ўрта Осиё темир йўли коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этиб, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

И. Г. Павловский йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Октябрь Революцияси орденини Ўрта Осиё темир йўли байроғига қадаб қўйди. Министр магистрал коллективини саминий қутлади, унга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда сўзга чиққан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкин, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Қодиров, Тошкент локомотив депосининг машинисти, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Х. Исамуҳамедов, йўл Ашхобод бўлимининг поезд диспетчери А. В. Белугин, Қирғизистон Компартияси Ўш область комитети бўлимининг мудири А. А. Сидиқов, Мари станциясининг инженери М. Яшимова, Душанба станцияси узел партия комитетининг секретари Н. С. Валюк темирйўлчилар меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга, ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Магистрал ходимлари магистралнинг юк ташиш ва юк ўтказиш қобилиятини ошириш борасидаги катта кўламдаги ишларни давом эттирмоқдалар. Нотиқлар юк ташиш ҳажмининг ўсиш суръатлари янги беш йиллик дастлабки 9 ойининг ўзидагина пландан икки баравар ўзиб кетганлигини, юк олувчиларга яна 1,5 миллион тоннадан кўп юк элтиб берилганлигини — темир йўл шу кўрсаткич юзасидан ишлаб чиқариш программасига нисбатан 5 кун олдинда эканлигини маълум қилдилар. Музокаларда темир йўлчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлиги тўғрисида, ҳаракат аниқлиги ва уюшқоқлигини ошириш зарурлиги, юк олувчилар билан юк жўнатувчилар ўртасида ишчи эстафетаси принципига биноан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилди. Нотиқлар темирйўлчилар бундан буён ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга маҳкам бел боғлаганликларини айтдилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Л. И. Греков, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар Л. Н. Мелкумов, У. Умаров, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

14 октябрь куни Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг сессияси очилди. Сессия ишида Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикаларнинг таниқли маданият арбоблари иштирок этмоқдалар.

Сессияда 1981 йилги СССР Давлат мукофотларини олишга конкурсда қатнашиш учун танланган асарлар ва бу асарларнинг жамоатчилик муҳокамаси якунлари кўриб чиқилади.

РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

СССРдаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларидан катта бир группаси мамлакат бўйлаб сафар қилмоқда. Улар 14 октябрь куни Тошкентга келдилар. Группа составида Болгария Халқ Республикаси, Кения Республикаси, Мадагаскар Демократик Республикаси, Филиппин Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Япония, Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси, Мали Республикаси, Марокаш, Кипр Республикаси, Коста-Рика Республикаси, Туркия, Камерун Бирлашган Республикаси, Уганда Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Заир Республикаси, Руанда Республикаси, Бразилия, Ироқ Республикаси, Юқори Вольта Республикаси, Судан Демократик Республикаси, Мавритания Ислом Республикаси, Гана Республикаси, Португалия Республикаси, Ирландия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Австралия, Испания, Боливия, Сенегал Республикаси, Эквадор, Италия Республикаси, Гвинея-Бисау Республикаси, Нигерия Федератив Республикаси, Габон Республикаси, Непал, Либерия Республикаси, Сингапур Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчилари, Бенин Халқ Республикаси, Индонезия Республикаси, Перу, Таиланд, Тунис Республикаси, Чад Республикасининг Муваққат ишлар вакиллари бор. Группага дипломатия корпусининг дуайени (оқсоқоли), БХРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Д. Жулев бошчилик қилмоқда.

СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров, СССР Ташқи ишлар министрлиги иккинчи Африка бўлимининг мудири В. А. Лихачев, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бошқа масъул ходимлари меҳмонларга ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Узбекистон ССР ташқи ишлар министри Б. А. Абдураззоқов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● Утган кунгача қабул пунктларига 3.797.748 тонна, шу жумладан 203.906 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширилди. 13 октябрь куни республика бўйича 106.380 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Машиналар ёрдамида бир кунда 77.589 тонна, мавсум бошидан буён эса 2.150.505 тонна пахта терилди.

● Жиззах, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида пахта териш ва тайёрлаш суръати оширилмоқда. Қашқадарёликлар эса пахтани машиналар билан териб олишда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар бир кунда йиллик планнинг 3,20 проценти миқдорида пахта териб олдилар.

● Бухоро, Қашқадарё, Наманган областларида ингичка толали пахта теримни суръати ошяпти.

Йиғим-терим илғорларидан ўрнак олинг! Барча куч, барча резерврларни ишга солайлик!

УРУҒЛИК ПАХТА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Сурхондарё области давлатга уруғлик пахта топшириш планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Ватан сурхондарёликларидан 65.050 тонна уруғлик пахта қабул қилиб олди. Бу меҳнат ғалабасига Ангор, Гагарин, Қумқўрғон, Сармоснё районлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Сармоснё районидаги «Коммунизм» совхозидан Тўхтабиби Ҳаитова бригадаси 60 центнерлик маррани эгаллаш учун кураш олиб боряпти. Бригада заршунослари ҳозирнинг ўзидаёқ 50 центнерлик маррани забт этдилар.

Хатирчи райони Самарқанд областида биринчи бўлиб уруғлик пахта тайёрлаш йиллик плани ни адо этди. Давлатга пландаги 14.873 тонна ўрнига, 18.344 тонна уруғлик пахта топширилди. Ана шу ҳосилнинг асосий қисми пахтанинг «АН—Самарқанд-3» навидир.

Каттақўрғон райони ҳам давлатга уруғлик пахта топшириш халқ хўжалик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Каттақўрғонликлар қабул пунктига 11.787 тонна уруғлик пахта топширишди.

Машина билан пахта теришда Пахтачи райони пешқадамлик қилаётир. Бу ерда 248 машинанинг ҳар бири билан ўртача 4,8 тоннадан «оқ олтин» териб олинаётир. Бу кўрсаткич Хатирчи районида 3,4 тоннани, Каттақўрғон районида 3 тоннани ташкил этяпти.

МАШИНА ТЕРИМИ — ИШ УНУМИ

13 октябрь куни Жиззах области далаларида 3052 пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 1,9 тоннани ташкил этди. Терим техникаси Арнасой ва Дўстлик районларида бирмунча самарали ишлатилмоқда. Бу районларда ҳар бир агрегат ҳисобига териб олинган пахта ўртача 2,9 тоннани ташкил этмоқда.

Область далаларида Тошкент медицина, тўқимачилик ва енгил саноат, педагогика институтларининг студентлари зарбдорларча меҳнат қилишмоқда. Теримда бўлажак педагоглар пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳисобига бир кунда терилган пахта ўртача 66—70 килограммни ташкил этаётир.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Ғузор районидаги Куйбишев номли совхозда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Бу хўжалик қабул пунктига 5.200 тонна «оқ олтин» топширди. Хўжалик азаматлари ялпи ҳосилни 6.500 тоннага етказиш мажбуриятини олишган.

ХОРАЗМ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Хоразмлик деҳқонлар ҳосилни машина билан териш суръатини оширмоқдалар. 13 октябрь куни область далаларида 1440 машина ишлатилди ва уларнинг ҳар бири билан 4,22 тоннадан пахта териб олинди. Хиваликлар бу кўрсаткични 4,79 тоннага етказиб, энг юқори натижага эришдилар. Ҳар бир агрегат ҳисобига Қўшкўпир районида 4,7 тонна, Янгиариқ ва Боғот районларида 4,64 тонна пахта тўғри келаётир.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Абдусаттор Шарипов бригадаси ана шундай рапорт берди. Бригада азаматлари қабул пунктига 560 тонна «оқ олтин» топширдилар.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

13 октябрь куни Беруний районидаги Охунбобоев номли совхозда ҳар бир терим агрегатининг кунлик иш унуми 5 тоннани ташкил этди. Аммо ана шу кўрсаткич Будённий номли ва Беруний номли совхозларда атиги 1,5 тоннага, «Узбекистон ССР 40 йиллиги» совхозида 1,7 тоннага тенг бўлди. Хўжаликлардаги мавжуд 237 машинадан фақат 160 таси ишлатилди.

Қўл терими ҳам лозим даражада ташкил этилмаган. Киров номли колхозда ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 42 килограммни, Беруний номли совхозда эса 36 килограммни ташкил этмоқда.

Терим техникасидан яхши фойдаланмаслик, меҳнат унумдорлигининг пастлиги Беруний районининг йиғим-терим даги оқсаётганлигининг асосий сабабларидан биридир. Район сентябрь ойининг охирида автоном республика бўйича социалистик мусобақанинг олдинги сафларидан бирида бораётган эди. Ҳозир эса охирги ўринларга тушиб қолди.

Беруниийликлар ғайрат қилинг! Пешқадам хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, олдинга чиқиб олиш учун барча имкониятлар сизларда мавжуд.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	1,31	98,87	1,28	105,71
Бухоро	1,40	85,43	1,68	75,97
Қашқадарё	2,44	74,47	3,20	57,64
Сирдарё	1,94	74,19	2,09	80,03
Жиззах	2,54	72,73	2,23	81,50
Наманган	1,51	69,41	1,98	58,80
Фарғона	1,21	67,46	1,64	51,79
Сурхондарё	1,66	65,78	1,61	49,64
Андижон	1,49	56,40	1,84	36,53
Хоразм	2,40	48,35	2,99	35,16
ҚҚАССР	2,41	38,62	2,15	21,75
Самарқанд	2,27	38,30	1,97	19,98
Республика бўйича:	1,82	65,03	2,01	55,57
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,06	79,98	0,62	51,96
Наманган	2,02	73,84	5,00	56,00
Сурхондарё	2,20	59,10	2,22	47,10
Қашқадарё	2,69	39,25	2,06	14,32
Республика бўйича:	2,25	55,11	2,07	36,06

ТОШКЕНТДА СЕМИНАР

14 октябрь куни Тошкентда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ривожланаётган мамлакатлар мутахассислари учун регионлараро семинари очилди. Семинар медицинада наркотик ва психотроп моддаларни хавфсиз тарзда қўлланиш мавзуига бағишланди.

Медикларнинг Тошкентдаги бу галги учрашувида Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг вакиллари билан бирга Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси, Австрия, Швейцария олимлари иштирок этмоқдалар.

Семинар уч кун давом этади. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Фарғона область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Исмоил Исмоилович **Тўхтасинова «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Халқ контроли комитети бўлимининг инспектори ўртоқ Александр Александрович **Алексеевни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг ГФРга ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Гельмут Шмидтнинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев визит билан 1981 йил 23—24 ноябрь кунлари Германия Федератив Республикасида бўлади.

ЮКСАК БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАЛАРИ МУДИРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанларни ўқитишни, студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш, марксча-ленинча назариянинг актуал проблемаларини тадқиқ қилишни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг 14 октябрь куни Катта Кремль саройида очилган Бутуниттифоқ кенгаши диққат марказида турибди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олимлар, министрлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси фахрий президиумга сайланди.

Кенгаш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов нутқ сўзлади.

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Ўртоқлар! Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашлари вақти-вақти билан ўтказиладиган бўлиб қолди. Бу табиий бир ҳолдир. Ижтимоий ривожланишнинг жўшқин жараёнлари, коммунистик қурилишнинг катта қўламдаги вазифалари, совет кишиларининг янги авлодларини тарбиялаш — буларнинг ҳаммаси бизнинг жамиятшуносларимиз олдига доимо мураккаб проблемаларни қўймоқда, уларнинг илмий ва ўқитувчилик фаолиятини муттасил такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Кенгашда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанлар кафедраларининг ходимлари олдида турган вазифалар муҳокама қилиниши керак. Съезд ҳозирги ижтимоий жараёнлари марксча-ленинча чуқур таҳлил қилиш асосида етук социализмни янада ривожлантириш, унинг бунёдкорлик имкониятларини тобора тўлиқ очиб улардан амалда фойдаланиш йўлларини белгилаб берди, янги беш йилликка ва бутун саксоничи йилларга мўлжалланган аниқ вазифаларни ишлаб чиқди. Съезд тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлидаги курашга янги омиллар бахш этди.

Бу галги кенгашда кейинги йилларда тўпланган барча ижобий натижаларни аниқлаш, ишлаги жиддий ва ҳали ҳам бажа ҳам бажмай бўлмаган камчиликларга эътиборни жалб қилиш, марксча-ленинча назарияни ишлаб чиқиш ва пропаганда қилишда, мутахассисларнинг янги отрядларини голвий-сиёсий тарбиялашда кафедраларнинг ролини оширишга ёрдам берувчи тадбирларни коллектив бўлиб белгилаш муҳимдир.

Мен Леонид Ильич Брежневнинг қизғин саломини ва энг эзгу истакларини сизларга ўз мамнуниятимиз билан топшираман. Леонид Ильич жамиятшуносларимизнинг энг катта отряди — олий ўқув юртлари кафедралари ходимларининг меҳнатини партия юксак даражада қадрлаётганлигини айтиб қўйишни сўради. Партия сизларга энг масъулиятли соҳалардан бирини, совет жамиятининг маънавий потенциалини ривожлантиришни кўп жиҳатдан белгилаб берувчи соҳани ишонч топширган. Кадрлар голвий-сиёсий етуклигининг даражаси, бинобарин эса ижтимоий тараққиёт суръатлари ҳам талаб даражада сизларнинг ишингиз қанчалик муваффақиятли бўлишига боғлиқдир.

Ўртоқлар! Партиллиқ олий анжумани — XXVI съезди ўзи-ўзиларини комил ишонч билан амалга оширилмоқда. Экономикани асосан интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакат ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг барча турларини тежаб-тергаш масалалари иқтисодий ва маданий ҳаётимизнинг ҳаммасига ўз таъсирини ўтказиб, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини ўзгартиришга, ишлаб чиқаришнинг ва фан-техника потенциалидан оқилона фойдаланиш, ҳўжалик механизмини ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига мос келадиган

БУТУН КУЧ—ПАХТА ТЕРИМИГА!

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Қашқадарё

Механизаторлар! Халқ сизларнинг имкониятларингизни билади ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммага кўпгина мажбуриятлар юклайди, бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди. Пахта териш ва кўсак узиш машиналари, кўрак чузиш машиналари, барча терим ва транспорт машина-механизмлари куну тун ишлаши керак. Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звенолар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Толлимаржон — Қашқадарё областининг қўриқ районларидан бири. Чўлқуварларимиз юз берган табиий офатларни енгиб, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдилар. Бу йил план бўйича она-Ватанга 21 минг тонна пахта сотишимиз керак. Чўлқуварларимиз комил ишонч билан 30 минг тонна дурдона сотамиз демоқдалар. Пландан ташқари 9 минг тонна пахта тайёрлаш осон иш эмас. Мамлакатимиз енгил саноати, қардош мамлакатларнинг тўқимачилари аъло сифатли пахта толаси талаб қилаётган экан, бу талабни қондиришга муносиб ҳисса қўшишни чўлқуварлик бурчимиз деб биламиз. 30 минг тоннаник «оқ олтин» маррасини сўзсиз эгаллаймиз.

Тайёрлов пунктларига 21 минг тонна пахта топшириб, эрта-индин планимизни бажарамиз. Далалардаги ҳосилнинг чўғи қандай? Пахта ҳали кўп, иккинчи терим қизғин давом эттирилянти. 50 дан ортиқ бўлим, кўплаб бригадалар планларини бажарган бўлсалар-да, ҳамон кунига 5—6 процентдан пахта топширишянти. Маррага яқинлашаётганлари сўръатни янада оширянти.

Биз планларини бажарганлардан ҳам, бажариш арафасида турганлардан ҳам баравар масъулият талаб қилянмиз. Нисбатан орқада қолаётганларга талабчанликни янада оширямиз. Мақсадимиз шуки, барлиқ ҳосилни узоғи билан 10—12 иш кунида тўла йиғиб-териб олайлик. саранжом-саришталайлик! Бу йил районимизда ҳамма бригадалар, бўлимлар, совхозлар тезроқ маррага етиб, чўлқуварлик бурчини шарафлайдилар. Бу Мурожаатга амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Амалда нималар қилинянти? Мурожаат эълон қилингандан кейин теримда қандай ўзгаришлар юз берди? Пахтазорларда 150 та «зангори кема» тўла қувват билан ишлатилянти. Ҳар бирида кунига 3—4 тонна пахта терилган бўлса, мурожаат чиққач, кўрсатич 4—5 тоннага, айрим хўжаликларда 6—7 тоннага кўтарилди.

Шу кунгача давлатга топширилган пахтанинг 90 процентини азамат механизаторларимиз тердилар. Бункерлардан мавсум бошидан буён 350—400 тонна пахта тўккан Насриддин Абдуллаев, Шермат Ҳакимов, Жўра Ҳакимов ва бошқа донгдор механизаторларимизнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Уларнинг ҳар бири ҳамон кунига 6—7 тоннадан пахта теряпти. Лекин ҳали ваъдадаги пахтани териб бермаган механизаторларимиз ҳам йўқ эмас. Улардан ҳар куни сўралмиз: машина терими плани ва мардлик билан зиммангизга олган мажбуриятингизни қачон бажарасиз? Фурсат ўтяпти-ку? Ҳозирги ғанимат кундар яна қайтиб келади, деб ўйлаясизми?

Илғорларни мақташ, меҳнатларига яраша рағбатлантириш керак. Айни кезда орқада қолаётганлардан масъулият талаб қилиш ҳам керак. Шундай қилмасак бўлмайди. **Мурожаатда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!**

Биз бугун барча механизаторларимиз, айниқса оилавий экипажлар аъзоларига айтямиз: машина терими плани ва бажарилиши, бунинг учун раҳмат! Иқтисодий ҳисоб-китоб ишларини йиғим-терим тугагандан кейин қиламиз. Зиммангиздаги қарзни қачон узасиз? Бунинг учун қандай ёрдам берайлик? Механизаторларимиз фикримизни тўғри тушинишянти. Планларини бажарганлар қўшимча пахта теришянти, бажармаганлар бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлашянти, кунлик графикларни анча ошириб адо этишянти.

Мисол учун Болта Норовлар оилавий экипажини олайлик. Мавсумда 2.200 тонна пахтани бункерлардан тўкишга сўз беришган. Шу кунгача 1.200 тонна пахта тўкишди. Уларнинг гарданларида яна 1.000 тонна пахта териб бериштек шарафли вазифа турибди. Азаматларга кундузги ёруғ кунлар камлик қилиб қолди. Шу сабабли кечалари ҳам шабнам тушгунча машина терими ҳадал давом эттирмоқдалар. Уларнинг ҳар бири бункерлардан 6—7 тонна юқори сорт пахта тўкянти. Неъмат Ҳакимовларнинг оилавий экипажи ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Механизаторларимиз терим жонкуярларидир.

Теримчиларимиз ўз бурчларини сидқидилдан ўтамоқдалар. Мурожаатдаги «Ҳар бир теримчи кунлик пахта терими фақат бир килограмм ошириса, республика хирмонига 5—8 минг тонна кўп пахта қўшпади» деган сўзлар уларнинг гайратига гайрат қўшиб юборди. Санам Раҳмонова, Назира Абдуллаева, Гулнора Бобоева каби юзлаб теримчиларимиз қунлик сўръатни 8—10 килограмм ошириб, хирмонга 120—130 килограммдан нуқул аъло сорт пахта териб топширяптилар. Барча теримчиларни уларга тенглашишга, бугун кечагидан, эртага бугунгидан 8—10 килограмм кўп пахта теришга, кунлик графикларни ортиқ билан бажаришга чақиряпмиз.

Ана шундай тадбирлар амалга оширилиши, теримда илғорлар тажрибасининг оммалаштирилиши яхши натижаларга олиб келяпти. Хўжаёр Худоёров, Жўра Аваэовлар бўлими 550—600 тонна пахта топширди. Планларини муддатидан илгари адо этган Худойберди Бобоев, Қурбонбой Гадоев, Саъдулла Бозоровлар бошлиқ ва бошқа йигирмадан ортиқ бригадаларнинг пахтакорлари яна бир план миқдорида пахта тайёрлаш мусобақасини авж олдиришмоқда.

Районимиз бўйича ғалаба маррасига яқинлашиб қолдик. Юқорида айтилганидек, эрта-индин рапорт берамиз. Дастлабки ғалабага «ВЛКСМ XVIII съезди», «Самарқанд», «Коммунист», «Туркманистон» совхозларининг чўлқувар пахтакорлари катта ҳисса қўшаётганликларини айтиб ўтмоқчимиз. Бу хўжаликларнинг коллективлари ҳозирдаёқ давлат омборига 5—6 минг тонна, айримлари ундан ҳам кўпроқ пахта жўнатдилар. Лекин теримни сира сусайтираётганлари йўқ.

Биз Мурожаатдаги «Ватанга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини берамиз! Бу республика меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига энг ҳалол жавоби, Улуғ Октябрь байрамига, СССР ташкил этилган кунинг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига муносиб совғаси бўлади» деган сўзларни қалбимизга жо қилиб, пахта йиғим-теримини зарбдорчасига давом эттирамиз. 30 минг тоннаник «оқ олтин» хирмони бунёдга келтирамиз!

Б. ИМОМОВ,
халқ депутатлари Толлимаржон район Совети ижроия комитетининг раиси.

МУСОБАКА КУНДАЛИГИ

Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг СССР Олий Совети депутати Тўхтахон Киргизбоева бошлиқ бригадаси аъзолари областда пешқадамлар қаторн ғалаба маррасига етдилар. Донгдор пахтакор бошлиқ коллектив ҳар гектар майдондан олинган ҳосилни 60 центнерга етказиш юзасидан зиммасига қўшимча мажбурият қабул қилди. Бу белгиланганидан 10 центнер кўп демакдир. Бригада бошлиғининг ўзи эса «зангори кема» бункеридан шу кунгача 100 тоннадан ортиқ пахта тўкиб, барчага ибрат кўрсатмоқда.

* * *

Балиқчи районидаги «Правда» колхозида чевар теримчиларнинг социалистик мусобақаси кенг оммалашмоқда. Бу меҳнат беллашувида Олиҳон Султонова карвонбошилик қилаётир. У ҳар куни 250—280 килограммга етказиб «оқ олтин» терайтир. Ёш коммунист мавсум олдидан зиммасига олган шахсий социалистик мажбуриятини муддатидан илгари адо этди. Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 10 тоннадан ошиб кетди.

* * *

Қува районида донгдор пахтакор Саноат Ҳасанованн кўпчилик яхши танийди. Охунбобоев номли колхозда район Совети депутати Ҳасанова бошлиқ бригада йил сайин катта меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда. Бу коллектив съездлар йилида ҳам социалистик мусобақада ғолиблик қилаётир. Бригада аъзолари уч ўн кунликдан буён колхознинг қўчма Қизил байроғини ўзларида ушлаб туришибди. Илгор бригада пахтакорлари ҳар куни хирмонга йиллик планнинг 4—5 процентини миқдорида «оқ олтин» тўкмоқдалар.

* * *

Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхознинг Кўпайхон Жалолова бошлиқ бригадаси шарафига кетмакет Қизил байроқ кўтарилмоқда. «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери бошлиқ бригада район ва колхоз пахтакорлари ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб деб топилди. Улар кунига 5—6 процент пахта тайёрламоқдалар.

ҚҚАССР

Эллиққалъа районидаги Калинин номли колхозда кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйган. Суратда: мавсум давомида 13—14 тоннадан «оқ олтин» теришга ахд қилган чеварлардан Қизилгул Урозметова билан Зулфия Қулумбетова.

А. Қаюмов фотоси.

Ёзувчи ён дафтаридан

ОППОҚ УФҚЛАР

Бухоро

Шонли республикамиз бўйлаб ҳаяжонли палла — пахта терими мавсуми қизғин тус олди.

Бугун ҳамма жойда ажойиб деҳқонларимизнинг олтин қўллари билан бунёд этилган «оқ олтин» ҳосили авж суръатда йиғиштириб олинмоқда. Бугун кун сайин ўз қоматини кўз-кўз қилиб, оппоқ қорли тоғлар билан тобора бўйлашаётган улкан пахта хирмонлари, ҳақ гапни айтганда, осонлик билан барпо этилди, дейсизми?

Эрта баҳорги серёғин кунлар, дўл, кучли шамоллар қанча-қанча қийинчиликлар туғдирди. Барча каби бухоролик деҳқонларнинг ҳам ташвиши ортди. Кўплаб майдонларда чигит қайта-қайта экилди. Айниқса, Навоий, Олот, Қоракўл, Свердлов, Ромитан, Когон районларида пайкаллар катта зиён кўрди. Лекин табиат инжиқликлари билан олишувда ҳамиша ғолиб келган пахтакорларимиз матонатли меҳнетлари, букилмас иродалари, кўп йиллик тажрибаларни ишга солиб, съездлар йили мўл ҳосилини барпо этдилар.

Деҳқончиликнинг тўнғич ҳосили — пилла, дейди халқимиз. Ўн йиллар давомида уч ярим минг тонна ипак тола етказиб беришни орзу қилган бухоролик оқ нуқрашунослар кейнги икки йилда республикада рекорд қўйдилар. Бу йил ҳам серфайз республикамизда биринчи бўлиб ҳам планни, ҳам мажбуриятни ортиги билан адо этишди. Нуқрашунослар давлатга 4 ярим минг тоннага яқин «қумуш тола» етказиб бердилар.

Мўъжизакор эй улуғ қудрат,
Саховатинг, меҳринг беҳисоб
Сен имонсан,
ишончсан, жўраъат,
Сен эзгулик, соф ният,
савоб.
Сени оппоқ ниятим дейман,
Орзуларим, эртанги куним.
Сенга бутун олам берар тан,
Сен — барака, ишдаги унум
Коммунистик партиям, бугун
Жаҳон сени кўтарар бошга.
Сен ишончдан, имондан
ўстун,
Нур берасан ҳатто қуёшга!

Улуғ партиям, мен сени нурга ўхшатгим келади.

Ҳа, жонажон партиямизнинг ленинча аграр сиёсати тантанаси туфайли Бухоро ерлари бугун жавоқирлар конига айланиб бормоқда. Эл-юрт бойлиги ҳисобланган пахта етиштириш кескин ошмоқда. Агар 1975 йилда пахтадан олинган ҳосил 23,4 центнер бўлган бўлса, беш йилликнинг охирига келиб ҳосилдорлик гектар бошига 37,5 центнерни ташкил этди. Ҳосилдорлик беш йил ичида гектар бошига 14,1 центнерга ошди. Бу йил эса 700 минг тоннаник хирмон кўтариш кўзланмоқда. Кейинги йилларда областимизда ирригация ва мелиорация соҳасида катта-катта ишлар амалга оширилгани бу ютуқларга омил бўлди. Аму-Бухоро машина каналининг бош иншооти ва канал ўзанининг реконструкция қилинганлиги, «Ҳамза-2», «Қизилтепа» насос станцияларининг қуввати ошганлиги, Мингчинор, Ўртачўл, Шўрқўл ва Тўдакўл сув омборларининг қурилиб, ишга туширилганлиги сув таҳкислиги масаласини тубдан ҳал қилди.

Айниқса, Малик чўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами диққатга сазовор. Чўлқуварлар ҳузурида тез-тез бўлиб тураман. Саҳрода олиб борилаётган меҳнат жўшқинлиги, ёшлар шижоати, бу ердаги ҳаёт кишиларни ҳайратга солади.

Бу йилги пахта йиғим-теримида илғорлик қилаётган — сентябрнинг бошларидаёқ йиллик планни бажариб, энди мажбурият ҳисобига пахта топшираётганлар ҳам шу — чўл кишиларидир. Қўриқ ерларда матонат ва жасорат кўрсатиб ишлаётган Ғайбулло Ҳакимов, Муаффар Номозов, Ганжи Ойназаров, Норбой Очилов, Али Худойберганов бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари бугун оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин»ни топширмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида пахтачиликни янада интенсивлаш ва пахта сифатини ошириш тадбирлари тўғрисидаги муҳим масалани муҳокама қилди. Областимиз марду майдонлари шу пленум қарорларидан руҳланган ва унга амал қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент технологияси асосида мўл ва арзон ҳосил етиштиришга бел боғлаган пахтакорларимиз машиналар куч-қудратига тобора кўпроқ суянмоқдалар. Утган йили областимиз бўйича 368 минг тонна пахта машиналарда терилган эди. Бу йил «зангори кема»лар воситасида 560 минг тонна «оқ олтин»ни териш мўлжалланмоқда. Областимизда терим сўръати тобора ошаётганлиги ҳам машиналар шарофатидан. Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози механизатори, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери Раҳим Нарзуллаев ўғли Расул ва қизи Мастура билан оилавий экипаж тузиб, бу йил 1200 тоннадан зиёд «оқ олтин»ни бункерлардан бўшатишга азм қилганлар. Шу ташаббусга қўшилган Навоий районидаги «Нарпай» совхозидан Эшмурод Эшмуродов, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Пешку районидаги Ибн Сино номли колхоздан Қаюм Наимов, Олот районидаги Энгельс номли колхоздан Ашур Бозоров, Когон районидаги «Коммунизм» колхозидан Саъдулла Ҳожиев ўртоқлар ҳар куни машина билан йигирма-ўттиз тоннадан пахта тердилар.

Коммунист — иш боши. Коммунист — дарга. Бухорони нинг чўғи «оқ олтин» тоғларини бунёд этиш учун қизғин давом этаётган йиғим-терим кампаниясида ҳам коммунистларимиз барчага ўрнак бўлмоқда.

Ҳа, бугун пахтазорлар жасорат майдонига айланган. Пахтакорнинг шаънига шан қўшадиган кувончли кунлар яқин!

Тингланглиз, эй, оппоқ
уфқлар,
Сизларга аталган бор гапим
Сиз билан бугунги
ифтихор,
Сизлар-ку келажак умидим,
Орзуим, ишончим сизларда
Бахтимнинг юлдузи
сиз — манм,
Чарақлаб боқасиз кўзларга,
Бинафша рангида уфқлар,
Йўлимда баркамол кўринур.
Уфқлар ёнида истиқбол —
Қуёшим безавол кўринур!

Тошпўлат ҲАМИД,
республикада ижодиёт кўрсатган маданият ходими.

ДАЪВАТДАН РУҲЛАНИБ

Самарқанд

Пахта — халқимизнинг шон-шарафи, фахр-ифтихори, бахт-саодати эканлиги ҳозир барчага аён. Шуҳратимизни дунёга таратаётган «оқ олтин» ҳосилини тезроқ саранжомлаш учун олиб борилаётган фидокорона кураш қизғин паллага кирди. Пахтазор барчани жасоратга чорламоқда. Ана шундай масъулиятли ва қайноқ дамларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткашларга Мурожаати эълон қилиниши ҳаммамизни — қалби пахта ишқи билан ёнган, митти чигитни дурдонага айлантириш учун кунни тунга улаган, эртанги фаровон ҳаёт ҳақида астойдил қайтурган ҳар бир кишини янада ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга руҳлантириб юборди.

«Механизаторлар! Тошкент областининг шаваткли дала гвардиячиларига тенглашингиз... Пахта териш ва кўсак узиш машиналари, барча терим ва транспорт машина-механизмлари куну тун ишлаши керак. Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звенолар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин!» — дейилади Мурожаатда.

Ушбу сатрларни дилига жо қилиб янги марраларни кўзлаётган механизаторларимиз терим сўръатини ошириб, сифатини янада яхшиламоқдалар. Хўжалигимизда пахтачиликни комплекс механизациялаш борасида кўп йиллардан бери ижодий изланишимиз ўзининг ижобий самарасини бераётир. Ўтган йили 1772 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил етиштириб, мажбуриятимизни ошириб адо этдик. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти агрегатлар ёрдамида териб олинди. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун янада оширилган социалистик мажбурият қабул қилганмиз. Бу йил жами ҳосилнинг 90 проценти машина-механизмлар билан терилади.

Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни муттасил ошириб бориш, сифатини яхшилаш учун курашиш хўжалигимиз заршуносларининг шарафли бурчига айланган. Кўкламда она-Ватан хазинасига 6 минг 335 тонна дурдона армуғон этишни планлаштиргандик. Демак, шундан 4427 тоннаси «пўлат этак»лардан тўкилади. Мажбуриятимиз эса 9 минг тонна! Агар шу хирмонни уйишга эришсак, ҳар гектар майдондан ўртача 50 центнердан «оқ олтин» олинган бўлади.

Колхозчиларимиз йил бўйи фидокорона меҳнат қилишиб, гўза парваришида комплекс механизацияни тўла қўллаб, барча майдонларда мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплашди.

Кунлик сўръатнинг кўнгилдагидек бўлаётганлиги шубҳасиз механизация шарофатидир. Шунинг учун ҳам пахтакорларимиз машина теримига кенг йўл очишга интилдилар. Дефолиацияни бошқа қўшни хўжаликларга қараганда анча барвақт — 15 сентябрда бошлаб, 22 сентябрда тугалладик. Натижада сентябрь ойининг охирида «зангори кема»ларимиз ёппасига ишга тушди. Терим юксак уюшқоқлик билан олиб борилганлиги туфайли дастлабки кунлардан бошлаб сўръатга қанот боғладик. Натижада колхозимиз хирмони тобора юксалиб, райондаги пешқадам хўжаликлар қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлдик. Ҳозирги ғанимат дамларда ҳам матонатли дала гвардиячиларимиз сўръатни бўшаштирмай ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 7—8 тоннадан пахта термоқдалар.

Аввало шуни айтишим керакки, бизда механизаторлар экишдан тортиб, то ҳосил йиғиб-териб олишгача қадар бўлган жараёнларнинг барчасига жавобгардир. Яъни, ҳар бир суворий ўзига биркитилган далада чигит экади, уни кўкартириб олади, сўнгра комплекс ишловни бошдан-охиригача юқори сифатлар билан ўзи ўтказади. Ниҳоят етиштирилган ҳосилни ҳам нест-нобуд қилмай ўзи теріб олади. Бу тажриба вақтдан унумли фойдаланишда ажойиб самаралар бермоқда. Иккинчидан, иш сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишда ифтиҳарчиликка йўл қўймаслик, таннархни пасайтириш, топширилган вазифа учун механизатор масъулиятини ошириш муҳим роль ўйнамоқда. Энг асосийси меҳнатнинг янги формаларини келтириб чиқармоқдаки, илғор тажрибалар колхоз правленияси ва партия ташкилотининг ёрдамида барчанинг мулкига айланаётир.

Масалан, учинчи бригададан Ҳудойназар Тожиев, саккизинчи бригададан Назар Олдоёров, Амир Қаршиев, бешинчи бригададан Эшқувват Маҳмудов, Ражаб Шарипов каби оловқалб механизаторларимиз кўп йиллардан бери шу методга суяниб меҳнат қилиб, бу соҳада бой тажриба тўплашган. Уларнинг ҳар бири мавсумда агрегатлари бункеридан ўрта ҳисобда 150—200 тоннадан пахта тўкишга сўз беришган.

Машиналар унумдорлигини кўтариш, улар бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслигини таъминлаш учун барча чоралари белгиланди. мукаммал меҳнат графиги тузиб чиққанмиз. 30 та «зангори кема»з 3 та терим—транспорт отряднга бирлаштирилган. Отрядларга колхоз механиклари Саъди Қурбонов, Пириязар Нормуродов, Қувон Бердкевлар раҳбарлик қилишянти. Ҳар бир отрядга биттадан заправка қилувчи, биттадан техник хизмат кўрсатувчи машина ажратилган. Агрегатларга оператив тарзда ва малакали хизмат кўрсатиш учун тажрибали, техника сирларини миридан-сиригача пухта биладиган беш нафардан слесарь биркитилган. Бундан ташқари 120 тележка мунтазам ҳаракатда. Бу дала-бункер-тележка-пункт конвейерининг узлуксизлигини таъминламоқда.

Бу йил табиий қийинчиликлар оқибатида йиғим-теримга бутлургидан анча кеч киришдик. Шунга қарамай, биз масъулиятни сезган ҳолда мавсумнинг барча қийинчиликларини механизация ғарданига юклаб, сўръатни бирор дақиқа ҳам бўшаштирмай йиллик планни узоғи билан 24 октябрда муваффақиятли бажарамиз. Республика партия ва ҳукуматининг оташин Мурожаати ҳосилни қисқа муддатларда исроф қилмай юқори сифат билан саранжомлашга, социалистик мажбуриятни шараф билан адо этиб, СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга руҳлантирмоқда.

Шамси НАЗАРОВ.
Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

... Ватан биздан жасорат кутмоқда. Машина штурвалини бошқаришга, этак тутишга қодир ҳар бир кишн пахта теримчилари сафига ўтиб, тўла самара билан ишлаш керак. Ҳамма куч-қувватларни «оқ олтин» теримига сафарбар этайлик.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Жиззах

ДЎСТЛИК («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Райондаги Мамажон Дадажонов номли совхоз 6-бўлимининг Анарбой Хайруллаев бошлиқ бригадаси аъзолари зафар қучдилар. Улар уч иш кунида 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 30 центнердан ҳосил йиғиб олиб, планни бажардилар. Мусобақа ғолиблари бўлган бригада заршуносларн далаларидаги ҳосил нўғини чамалаб кўриб 45 центнерлик хирмон кўтаришга қарор қилдилар. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олинди. Бригадир — механизатор Анарбой Хайруллаев ҳозиргача 150 тонна, Ваҳоб Отабоев 120 ва Темирбой Эсонов 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб бердилар.

— КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари ва Ўзбекистон партия-ҳукуматининг Мурожаатига жавобан бутун кучимизни зиммага олинган социалистик мажбуриятимизни бажариш учун сафарбар этамиз. Эл-юрт олдида олган ваъдамизнинг удасидан чиқамиз, — дейди илғор бригада бошлиғи А. Хайруллаев.

Ҳозир далаларда иш қизғин. 6-бўлим пахтакорлари икки-уч кун ичида ғалаба рапортига имзо чекиш тараддудини кўришмоқда. Далаларда 12 терим машинаси юксак унум билан ишлатилиб, ҳар куни йиллик планнинг 5—6 процентн миқдорида пахта тайёрланаётир.

МЕҲНАТ ОТПУСКАСИ — ПАХТАЗОРДА

Давлатали Рисқулов асли Қўқондаги хром чарм заводида слесарь. Коммунист Рисқулов меҳнат отпускасини олгр экан, ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга деҳқонларга ёрдам беришга аҳд қилди. У Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозининг механизаторлари сафига қўшилди. «Зангори кема» капитани ҳар куни ўз машинаси бункеридан олти ярим тоннагача пахта тўкмоқда.

(ЎзТАГ).

ЁЗ НЕЪМАТИ — ҚИШГА

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

КИТОБ. Район соҳибкорлари узум топшириш йиллик планларини ортиги билан адо этишди. Эл дастурхонига 13 минг 750 тонна узум етказиб берилди. Эришилган ютуққа «Китоб», «Паландара», «Зарафшон» сингари қатор хўжаликлар баракали ҳисса қўшишди. Мажбурият ҳисобига узум топшириш давом этмоқда.

М. САЛОМОВ.

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

ЧОРТОҚ. Райондаги «Ленинизм» совхози давлатга 12855 тонна сабзавот, 1700 тонна ҳўл мева, 85 тонна узум, 500 тонна картошка тортиқ қилиб, йиллик планни барвақт адо этди. Хўжаликнинг Т. Жалолова, Қ. Камолов, Ж. Мирзаев ўртоқлар бошлиқ соҳибкор ва сабзаботкорчилик бригадалари мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Б. БОЙМИРЗАЕВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ЗАФАРИ

ОҲАНГАРОН. Район сабзаботкорлари бугунгача шаҳарликлар дастурхонига 45 минг тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етказиб беришди. Бунинг кўпчилигини помидор, карам, бодринг, ош лавлаги, сабзи, пиёз, картошка ва бошқа хил маҳсулотлар ташкил этади.

Қ. АБДУРАСУЛОВ.

* * *

Шунингдек, сурхондарёлик Т. Маматқобилов, сирдарёлик Қ. Қўшматов, қашқадарёлик Ш. Маҳмудов, тошкентлик Г. Еқубов, Р. Булатов, наманганлик Т. Сулайманов, И. Нишонов ва бошқа ўртоқлар ҳам жойларидан худди шу мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

КУЗГИ ДОН ЭКИШ ҚИЗҒИН

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АЖОЙИБ ТАШАББУС

Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг бригадир-механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эшмамат Бўриев ажойиб ташаббус билан майдонга чиқди.

— Бригадамиз коллективи, — дейди у, — 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан ғиғичка толали пахта тайёрлаш учун курашмоқда. Бугун-эрта мажбуриятимизни бажарамиз. Ялпи ҳосилнинг 98 процентини машиналарда териб оламиз. Бизнинг оилавий экипажимиз мавсумда машиналарда камида 2 минг тонна пахта теради.

Партиямизнинг XXVI съезди озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишдек давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани кун тартибига қўйди. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, қарорга амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилдик. Пахтачиликка эътиборни сира сусайтирмаган ҳолда дон етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Шу мақсадда 200 гектар янги ер ўзлаштириб, ҳар гектаридан 60 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтарамиз. Шундай қилиб, пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, юқори рентабелликка эришамиз.

Сурхондарё область партия комитети бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Нишон районидаги «Ленинобод» қўриқ совхози ғаллакорлари кузги дон экишни бутун чоралар билан кучайтирмоқдалар. Комбайничилар маҳорат билан ишлаб, катта майдонларга барака уруғи қадамоқдалар. Хўжелик бўйича шу кунгача 500 гектардан зиёдроқ ламинор ва суториладиган ерларга кузги арпа ва буғдой сепилди. Гектарларнинг тўла бўлиши учун курашилмоқда.

Ғаллакорлар тез қуёлар ичида яна 500 гектар майдонга кузги дон экиш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. Чўлқувар ғаллакорлар келаси йили камида 1500 тонна чўл дурдонаси етиштиришга аҳд қилдилар.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Бугун — 15 октябрдан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги Бутуниттифоқ кўриги бошланди. Кузги Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўрикларининг ўтказилиши ўзига хос "традиция бўлиб қолди. Чунки бу кўрик йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва транспорт воситаларини, қоларверса ҳайдовчиларни кузги қишки шароитда аварияларсиз ишлашга тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаракат хавфсизлиги кўриги давомида транспорт корхоналари, ҳайдовчилар, давлат автоинспекцияси ва жамоат ташкилотларининг диққат-эътибори аввало меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш ва транспорт воситаларига техника хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилади. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларининг, транспорт қатнови билан боғлиқ бўлган тасодифлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг муҳим шартидир.

Республикамизнинг Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўригида иштироки пахта йиғим-терими мавсумида транспорт қатнови бехатар бўлишини таъминлаш шиори остида ўтади. Ҳозирги вақтда республикамиз колхоз ва совхозларида пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Терим машиналаридан самарали фойдаланиш натижасида илғор колхоз ва совхозлар йиллик планнинг 5—6 процента миқдорида пахта тайёрламоқдалар. Бу «оқ олтин» ортган карвонлар янада кўпайди, ҳаракат зичлашди, демакдир. Транспорт қатновида пришеп тиркаган тракторлар сони кўпайди. Бу эса ҳайдовчилардан янада хушёр бўлишни, йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилишни талаб этади.

Терилган пахтани тайёрлов пунктларига етказиб беришда айрим хўжаликларнинг раҳбарлари транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини бузмоқдалар. Йўнг транспорт ишларига мослаштирилмаган уч гилдиракли «Универсал» тракторларидан ҳам пахта ташишда фойдаланилмоқда. Бу катта хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам уч гилдиракли «Универсал» тракторларидан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга барҳам бермоқ керак. Кўрик давомида давлат автоинспекцияси ходимлари турли тасодифларнинг олдини олишнинг бу муҳим чорасига мунтазам эътибор беришлари зарур.

Теримчиларни, айниқса ҳашарчиларни далага олиб боришда транспорт воситаларидан фойдаланилади. Лекин кишиларни ташишга мослаштирилмаган транспорт воситаларини ишлатиш, айниқса, пахтакорларни трактор прицепларида далага олиб бориш ва ишдан олиб қайтиш кишилар ҳаёти учун хавфли эканлигини унутмаслик керак. Бинобарин, пахтакор хўжаликларнинг раҳбарлари, айниқса, механик ва инженерлари бу ишга алоҳида эътибор беришлари шарт.

Колхоз ва совхозлардаги ички йўлларда ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг, транспорт қатнови билан боғлиқ бўлган тасодифлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун мавжуд қоидаларга амал қилинишини қаттиқ назорат остига олмоқ керак. Катта магистраль йўлларда ҳам, шунингдек, дала йўлларида ҳам — ҳамма жойда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш — ҳайдовчилар бурчидир.

Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўригининг намунали ўтиши, кўрик давомида кўнгилсиз ҳодисаларнинг кескин камайишига эришиш учун шахсий машина эгалари ўртасида тарбиявий ишлари янада кучайтириш, айниқса маст ҳолда машинани бошқарувчи шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жиддий чораларни кўриш талаб қилинади. Бинобарин, автомотохаваскорлар республика кўнгилли жамияти ва унинг жойлардаги органлари шахсий автомашина эгалари ўртасида мунтазам иш олиб боришлари, уларнинг интизомини мустаҳкамлашга жиддий эътибор беришлари керак.

Кузги ҳаракат хавфсизлиги кўригида барча министрликлар ва идораларнинг автотранспорт ташкилотлари, кенг жамоатчилик актив иштирок этмоги керак.

М. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекция бошқармасининг бўлим бошлиғи.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

АНСАМБЛГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Жиззах районининг «Жиззах гулдастаси» ҳаваскорлик ансамбли Болгарияга қилган сафаридан қайтиб келди. Халқ талантлари Болгарияда бўлганида Бургас округидаги халқаро ёшлар марказида санъатларини муваффақиятли намойиш этиб, ташкилотнинг олтин медали билан тақдирландилар.

Жиззахлик ҳаваскорлар Болгариянинг бир неча шаҳрида, шунингдек, Руминияда ҳам бўлиб катта программада концертлар беришди.

ТЎҚИМАЧИЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг ёш тўқувчилари бадиий агитация бригадаси туздилар. Ҳаваскор артистлар — «Тароғна» ва «Гелос» ансамбларининг 20 нафар қатнашчиси, шунингдек пропагандистлар «Украина» совхозининг дала шийпонларига жўнаб кетдилар. Улар сиёсий ахборот берадилар, лекция ўқийдилар, СССР халқларининг ашула ва рақсларидан, замонавий ашула, рақслардан иборат концерт программасини намойиш этадилар.

АЛЕКСАНДР ФАДЕЕВГА БАҒИШЛАНАДИ

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг марказий кутубхонасида Александр Фадеевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси очилди. Экспозицияга буюк совет ёзувчисининг рус, ўзбек, тожик тилларида нашр этилган асарлари, Фадеевга бағишланган китоб ва брошюралар, совет адибларининг хотиралари кўйилган.

Кўргазма очилган куни кутубхонада адабий бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда китобсеварлар сўзга чиқдилар, халқ талантлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

САНЪАТКОР ОИЛА

Сирдарё область Ворошилов районидаги М. Горький номли колхоз «Садбарг» халқ ансамблининг маҳаллий маданият саройида бўлиб ўтган концертида Соҳибоевлар оиласидан тўрт киши баравар сахнага чиқишди. «Оқ олтин» мавсуми қаҳрамонларига бағишланган бу янги программада ансамбль раҳбари Соҳиб Соҳибоевнинг энг яхши механизаторларга бағишлаб ёзган қўшиғи янгради. Автор қўшиқни кичик укаси Абдунаби жўрлигида ижро этди.

Гулистондаги мактабгача тарбия педагогика билим юрти студентлари Фотима билан Зуҳра Соҳибоевалар эса ҳамқишлокларини шўх рақслари билан хушнуд этдилар. Ҳозирги вақтда ана шу тўрт нафар ҳаваскор ансамблнинг ўзагини ташкил этишади. Агитбригада райси, қишлоқ клубларида, пахтакорларнинг дала шийпонларида концерт қўйиб беради.

ПЛАНЕТАМИЗДА

КПСС ФАОЛИЯТИНИНГ БЕБАҲО ТАЖРИБАСИ

Прагадаги «Свобода» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» номли китобини чех тилида босиб чиқарди. Китобга 1978-1979 йилларга таллуқли нутқлар, мақолалар, табриклар ва эсдаликлар киритилди.

«Руде право» газетаси шу нашрга бағишланган мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: китобга киритилган асарларда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мустаҳкам тинчликни таъминлаш, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун курашдаги баҳодирона фаолияти ифода этилган. Бу асарларда КПСС XXVI съезди ҳамда Марказий Комитет Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш, совет экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, СССРнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш, совет халқининг моддий ва маънавий турмуш даражасини юксалтириш соҳасида КПССнинг кўп томонлама иши кўрсатиб берилади.

КПСС Марказий Комитетининг, бутун партия ва давлатнинг кўп қиррали фаолиятига ўртоқ Л. И. Брежнев қўшган ҳисса қақиқатан ҳам бебаҳодир, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси. Л. И. Брежневни совет халқигина эмас, шу билан бирга жаҳон жамоатчилиги ҳам ленинча ташқи сиёсатнинг илҳомчиси ва ижодкори деб билмоқда. КПСС XXVI съезди олга сурган ва 80-йиллар учун мўлжалланган Тинчлик программаси ана шу сиёсатнинг ёркин ифодаси бўлди. Ленин партияси, биринчи социализм мамлакати халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, реакция ва жабр-зулм кучларига зарба бермоқдалар, янги жаҳон уруши хавфини тўғатиш учун курашмоқдалар.

Тўплам уч китоб — «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» эсдаликлар китоби билан бошланади.

Бу асарлар, деб уқтиради ЧКП Марказий Комитетининг органи, уруш шароитларида ҳам, шунингдек тинчлик шароитларида ҳам КПСС билан совет халқи қаҳрамонона зафарларининг элопеясидир. Китобхонлар бу китобларни улар бой илҳомбахш материал бериши, Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқ енгилмаслигига комил ишонч руҳи билан суғорилганлиги учун қадрламоқдалар. Ҳар бир эсдалик унинг автори қақидаги, унинг инсоний фазилатлари, сиёсат арбобига хос санъати, унинг кишиларга принципиал ва шу билан бирга меҳрибонлик билан ёндашуви тўғрисидаги қисса ҳамдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан Л. И. Брежнев экономика проблемаларига, совет халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар эълон қилинган асарларнинг диққат марказидадир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг барча асарлари каби унинг тўпламга киритилган асарлари ҳам чуқур назарий ва ғоявий мазмунга бойдир, деб ёзади «Руде право» газетаси. Бу асарлар оптимизм руҳи билан, меҳнаткаш инсонга ҳурмат, реал социализмнинг ва тинч ҳамда прогрессив ривожланишнинг ҳал қилувчи гарантияларидан бири бўлмиш бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг кучига ишонч руҳи билан суғорилган.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ТОКИО

«Бизга қуролланиш пойгаси эмас, балки тинчлик ва фаровонлик керак!» деган шиорлар остида Японияннг турли районларида халқ юриши бошланди. Мамлакат тараққипарвар жамоатчилиги ўтказаётган юриш қатнашчилари кўплаб шаҳарларда бўладилар. Юриш Япония пойтахтида ниҳоясига етади. Юриш қатнашчилари қуролланиш пойгасига қарши, тинчлик ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан митинглар ўтказадилар.

БАЙРУТ

Тель-Авив Мисрдаги воқеалар муносабати билан босиб олинган араб территорияларида оммавий намойишлар ўтказилишидан хавфсираб, уларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Исроил, деб хабар қилади Фаластиннинг ВАФА ахборот агентлиги, Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ҳамда Ғазо секторидаги шаҳарлар ва қишлоқларга армия билан полициянинг қўшимча бўлинмаларини олиб кирди, улар аҳоли пунктларида сақчилик қилмоқдалар, вертолётларда атроф-теваракдаги жойлар устида учиб юрибдилар. «Гуш эмуним» ўнг экстремистик ташкилотнинг газандалари Тель-Авив йўл қўйиб берганлиги сабабли маҳаллий аҳолига зулм ўтказмоқдалар. Кўпдан-кўп тинтув ва зўравонлик қилинаётганлиги фактлари тўғрисида хабар берилди. Босқинчилар бироз бўлса ҳам норозилик билдирган кишиларнинг ҳаммасини қамоққа ташламоқдалар.

(ТАСС).

Вьетнам Социалистик Республикасининг йирик порти — Хайфон Владивосток билан биродарлашган, Одесса билан дўстона алоқалар ўрнатган. Портни реконструциялашда ва кенгайтиришда совет мутахассислари ва совет техникаси иштирок этмоқда. Суратда: Янги причал қурилишида қатнашаётган бир группа совет ва Вьетнам инженерлари.

ВИА — ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БРАЗИЛИА. Миллий конгресс депутати Делио Дос Сантос Бразилияда ер проблемаси шошилинч тарзда ва тубдан ҳал этилишини талаб қилди. Мамлакатда миллионлаб ерсиз деҳқонлар билан бир қаторда жуда катта ер участкалари чайқовчилик воситаси бўлиб қолмоқда, деди у.

АНҚАРА. Шаҳарда неофашистларнинг миллатчилик ҳаракати партияси раҳбар арбобларининг катта группаси устидан ўтказилаётган суд бир ойлик танаффуслан кейин давом эттирилмоқда. Ҳарбий прокурор партия бошлиғи А. Туркешни ва унинг шериклари дан 219 кишини турк гражданларини кўплаб ўлдирганлиги, маҳаллий аҳоли мунтазам равишда тазйиқ остига олинганлиги ва Туркияда фашист ҳукмронлигини амалга ошириш режалари учун ўлим жазосига ҳукм қилишни талаб этди.

(ТАСС).

МИСРДАГИ ВАЗИЯТ

ҚОҲИРА 13 октябрь. (ТАСС). Мисрда республиканинг янги президентини сайлаш масаласи ҳусусида референдум ўтказилмоқда. Янги президент бундан бир ҳафта гавал Қоҳирадаги ҳарбий парадда ўлдирилган аввалги давлат бошлиғи Садатнинг ўрнини олади. Миср Араб Республикасининг халқ мажлиси мамлакатнинг вице-президенти Хусни Муборакни шу лавозимга яккаю-ёлгиз номзод қилиб кўрсатди.

Мажлисда халқ демократик партиясининг депутатлари кўпчиликни ташкил этади. Кейинги йилларда Мисрдаги референдумлар расмиятчилик юзасидангина ўтказиляпти. Шунга қарамай маъмурлар овоз бериладиган кунда қўшимча хавфсизлик чораларини кўриб қўйдилар. Сайлов участкалари, ҳукумат муассасалари қаттиқ қўриқланмоқда, полиция ва хавфсизлик хизматининг агентлари кўчаларда сақчилик қилмоқда. Мудофаа ва ҳарбий саноат министри Абу Ғазалнинг айтишича, Мисрнинг қуролли кучлари оширилган жанговар тайёрлик ҳолатига ўтказилган. Газеталарда ички ишлар министрлигининг полицияга хавфсизлик режимини бузувчиларга қарата ҳеч иккиланмай ўқ узиш тўғрисида буйруқ берилганлиги ҳақидаги огоҳлантириши эълон қилинди.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ИККИНЧИ ДУРАНГ

Италиянинг Мерано шаҳрида ўтаётган жаҳон чемпионлиги учун шахмат бақсида бешинчи партия нихоясига етди. Бу матчда А. Карпов билан жаҳон чемпионлигига даъвогар дурангга рози бўлишди. Дурангдар инобатга олинмаганлиги учун ҳисоб ҳали ҳам 3:0. Олдинда жаҳон чемпиони.

УСТОЗ ХОТИРАСИГА

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони, устоз шахматчи Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган анъанавий Х Бутуниттифоқ турнири бошланди. Бу турнирда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган шахматчилар қатори республикамиз шахматчилари ҳам иштирок этишмоқда. Жумладан гроссмейстерлардан Геннадий Кузьмин (Ворошиловград), Анатолий Лутиков (Тирасполь), халқаро мастерлар Эльмар Магеррамов (Боку), Владимир Козлов (Москва) ва бошқалар қатори тошкентликлар Георгий Аъзамов, Сергей Пинчук, Марк Рудерфер, чиноэлик Валерий Логинов сингари спорт мастерлари бор. Бу мусобақалар қизиқарли ўтиши билан бирга меҳмонларда яхши таассурот қолдириши кутилмоқда. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларида, корхона ва муассасаларда, колхоз-совхозларда бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашадилар. Улар меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, лекциялар ўқийдилар ва бир йўла бир неча киши билан шахмат ўйнайдилар.

ЧИМ ХОККЕЙ:

«ХИМИК» КИЧИК КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Чим хоккей бўйича эркаклар командалари ўртасида ўтказилган СССР чемпионати мусобақалари якунланди. Биринчи лига командалари орасида Сумгаитнинг «Иншоотчи» командаси ғолиб чиқиб, олий лигага йўлланмани қўлга киритди. Фарғонанинг «Химик» командаси жуда чиройли ўйиннар кўрсатиб, лигада иккинчи ўринни олди. Улар олий лигага йўлланма олиш учун Новосибирскнинг «Сибсельмаш» командаси чим хоккейчилари билан қўшимча учрашувларни ўтказишлари керак. Москвадаги Сокольникининг «Спартак» спорт ўйинлари саройида бўладиган бу учрашувлар 24-25 октябрга мўлжалланган. Агар фарғоналиклар бу учрашувларда олий лигада омади келмаган «Сибсельмашни» енгсалар, юқори лигага йўлланма оладилар. Самарқанднинг «Пишчевик» командаси чим хоккейчилари эса биринчи лигадаги ўз ўринларини сақлаб қолиш учун Кутаисининг «Локомотив» командаси билан беллашадилар.

РЕГБИ:

СЎНГГИ ТУР ОЛДИДАН

Регби бўйича СССР чемпионатининг сўнгидан олдинги тури бугун нихоясига етадиган XVIII мамлакат биринчилигининг совриндорлари бўладиган учта командани аниқлаб берди. Булар — Юрий Гагарин номидаги Ҳарбий-Ҳаво академияси, Тбилисининг «Локомотив» ва Киевнинг «Авиатор» командаларидир. ХХА регбичилари Москванинг «Фили» клуби билан 3:3 (0:3) ҳисобида дуранг ўйнаб, атиги икки очкони қўлга киритишди.

Финал турнирда муваффақиятли ўйнаётган Тбилисининг «Локомотив» командаси москвалик клубдошларини 6:4 (6:0) ҳисобида мағлубиятга учратди. Москвадаги 2-соат заводининг «Слава» командаси спортчилари кетма-кет тўртинчи ўйинда, бу сафар Киевнинг «Авиатор» командасига 6:16 (0:6) ҳисобида бой берди, Кутаиси уй-қурилиш комбинатининг командаси эса Красноярскнинг «Экскаватортяжстрой» командасидан 27:32 (4:9) ҳисобида енгилди.

Москванинг бирорта командаси ҳам кейинги ўн йил ичида биринчи марта совриндорлар учлигидан ўрин ололмади. Москва области Ҳарбий-Ҳаво академияси командасининг олтин мукофотга бўлган имконияти анча яхшироқ. Бунинг учун командага атиги бир очко етишмаяпти.

Сўнгги ўйиндан олдин ХХА командаси 51 очкога, Тбилисининг «Локомотив» командаси 48 очкога, «Авиатор» 46 очкога, Москванинг «Локомотив» командаси 39 очкога, «Слава» 35 очкога, «Фили» 32 очкога, «Экскаватортяжстрой» 32 очкога, УКК (Кутаиси) 30 очкога эга. Москва темирйўлчилари билан Кутаиси регбичилари бошқалардан битта ўйин кам ўтказган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1981—1982 ўқув йили учун
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига илғор колхозчилар, ишчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар колхоз, совхоз ва ҳарбий қисм қўмондонлиги йўлланмаси билан қабул қилинади.

Уқишга кирувчилар ўрта мактабни тамомлагандан сўнг йўлланма берилган хўжаликда камида бир йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Институт ва институт филиали қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

агрохимик — тупроқшуносла, агроном — дала мудирлари, селекционер — уруғчилар ва шоликорлар, сабзавот-мева етиштирувчилар, сохибкорлар, усти ёпиқ жойда сабзавот етиштирувчилар, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономлар, пиллакорлар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг экономист-ташкилотчилари, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистлар, кенг профилли зооинженерлар.

Тайёрлов бўлими тингловчилари ётоқхона, стипендия билан таъминланадилар (корхоналардан командировкага юборилганлар 15 процент ортиқча стипендия оладилар).

Тайёрлов бўлимини тамомлаб, имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, белгиланган намунадаги йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), сўнгги иш жойидан корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар учун йўлланма (ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланган бўлиши керак), медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасидан (колхоз дафтаридан) кўчирма (маъмурият томонидан тасдиқланган) топширадилар.

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат — 15 ноябрдан 25 ноябргача, қабул 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Уқиш муддати — 8 ой.

Машғулотлар 1 декабрда бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700183, Тошкент-183, Телефон — 62—23—02.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

Механика, радиотехника, электротехника, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси, инженерлик экономикаси, аэропортлар, ёқилғи-мойлаш материаллари факультетларига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли кучларидан запасга бўшатилганлар сафидан тўла ўрта маълумотга эга бўлганлар саноат корхоналари, қурилиш-транспорт ва алоқа ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ҳамкида бир йил узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак. Қуролли кучлар сафидан запасга бўшатилганлар ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан бир йил давомида ўқишга киришлари мумкин. Тайёрлов бўлимига кириш учун йўлланма бевосита корхона раҳбари томонидан берилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг ҳаммаси билан физика ва математика фанидан суҳбат ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига йўлланган шахслар ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, саккизта фотосурат (3х4 см), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасининг кўчирмасини топширадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг барчаси медицина кўригидан ўтадилар ва институтда ўқишга яроқли экани ҳақида ВЛЭК хулосасини кўрсатадилар.

Ҳужжатлар 30 октябргача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Уқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

ТИНГЛОВЧИЛАРГА I-КУРС СТУДЕНТЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН МИҚДОРДА СТИПЕНДИЯ ТУЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: 700015. Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 41-уй. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

23 октябрдан бошлаб ЯНГИ ПРОГРАММА

«ПРОМЕТЕЙ»

ЦИРК СПЕКТАКЛИ ПРЕМЬЕРАСИ

А. СКРЯБИН музикаси.

Сценарий автори ва постановкачи режиссёр — СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти ВЛАДИМИР ВОЛЖАНСКИЙ.

ИРИСКА бош ролини ижро этувчи — «АББГДЕЙКА» телеўрсатувининг масхарабози ИРИНА АСМУС.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/Ҳда **Кузнинг биринчи куни**, 17/Ҳда **Алмандар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/Ҳда **Тошкентнинг нозанин малиқаси**, 16/Ҳда **Гулсара**, 17/Ҳда **Ишонмасанг ўламан.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирки артистларининг хайрлашув гастроллари.**

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЕ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ванант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири ва кичик илмий ходим: химик-токсикология;

лаборатория катта илмий ходимлари: қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг патологияси, иммунитет (2 ўрин), микробиометод, физиология ва биохимия;

лаборатория кичик илмий ходимлари: экология ва прогнозлаш, фитопатология ва микология, экономика ва механизация (2).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 702152. Тошкент область, Ўрженикидзе район, «Институт» алоқа бўлими.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

15—16 октябрь соат 18.30 да, 17—18 октябрь соат 13.30 ва 17.30 да

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «АВТОРОДЕО ПРАГА»

Каскадер-акробатлар стакча группасининг енгил машиналар ва мотоцикларни ҳайдашнинг юқори классини намойиш қилиб чиқишлари.

Билетлар стадион кассаларида сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичилар, қаердасиз! 10.35 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Киносеаҳтчилар клуби. 12.40 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Сен қонунни биласанми? 16.30 — Концерт. 17.00 — Мураббий. 17.30 — Рус тили. 18.00 — Ўсмирлар ижоди. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Меҳнат шонли шуҳрати байроқдорлари. 19.55 — Биргалиқда, аҳил оиламиз. 20.25 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Адабий мерос. Ясная Поляна. 1-фильм. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Ясная Поляна. 2-фильм.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — 12.05 — Испанча сўзлашиш. 10.35 — 11.40 — Ўқув кўрсатуви. 11.00 — Сиз яратган боғ. 11.30 — 16.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 — 13.40 — Физика. 13.10 — Лирика. 14.10 — Проза саҳифаларида. 14.55 — Мактаб ва ижод. 15.25 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 2-серия. 19.30 — Илмий-оммабоп фильм. 19.45 — Ҳамдўстлик. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Тбилиси).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Концерт. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.30 — Телефильмлар. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Ешлик. 19.10 — Йиллик план — 7 ноябрга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Терговни билимдонлар олиб боради. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.20 — Сардор. Телефильм. 19.20 — Классик куй саҳифалари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.40 — Китоб дўстлари. 21.10 — Телефильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV-программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тонгги тароналар. 9.35 — М. Узоқов ижро этган қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Илғор фермаларда. 14.00 — Оилавий экипажлар жасорати. 18.15 — Ешлик. 19.25 — М. Насимов. Деҳқонга таъзим. Вокал сюита. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Бахт нашидаси. Ҳ. Расул шеърлари. 21.20 — Музикали салом. 22.30 — Ер келур. Лирик концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03243. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 238. 5